
Ерости табиий газ қувурларида юзага келган носозлик бартараф этилиб, таъминот қайта тикланди

Бағдод тумани марказида мавжуд ерости табиий газ қувурларида носозлик юзага келгани ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқларда ёйинлангач, “Худудгаз Фарғона” газ таъминоти филиалининг “Бағдодтумангаз” бўлими томонидан тезкор чоралар белгиланди. Бунинг учун, аввало, Исломобод даҳаси, “Муқимий” ва “Иттифоқ” маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудида яшовчи 1 минг 700 дан зиёд аҳоли хонадонлари ва бир қанча ижтимоий соҳа объектларига табиий газ етказиб берилиши вақтинча тўхтатилди.

Филиал раҳбари Сардорхон Собировнинг маълум қилишича, кучли эрозия сабаб ерости қувурларининг 50 метрлик қисми яроқсиз ҳолга келиб қолган ва оқибатда газ сизиб чиқиши рўй берган.

- Яроқсиз қувурлар ўрнига зудлик билан янги қувурлар ётқизиблиб, носозлик батамом бартараф қилинди, - дея қўшимча қилади С.Собиров.

Ҳозирда табиий газ таъминоти қайта тикланган.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-02-13 17:43:17